O'ZBEKISTON RESPUBLIKA MILLIY KITOB PALATA
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 15 июль ШАНБА

№ 55 (11.858)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади



ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲАММУАЛЛИФИ – ЎЗИМИЗ

Чирчиқ шаҳридаги "ELUS" илмий-ишлаб чиқариш корхонаси асосан кичик трансформатор станциялари учун ускуналар тайёрлашга ихтисослашган. Мазкур корхонада ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш тобора такомиллашиб бормоқда.

СУРАТЛАРДА: ишчи Жонибек Султонов; Жамол Ўрозметов ва Жўрабек Еркебаев иш устида.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

– Маълумки, бугунги кунда дунёда энергия ресурслари танқислиги юзага келмоқда, – дейди "ELUS" корхонаси бош директори Қуронбой Бекчанов. – Бу эса энергия захираларидан унумли, тежаб-тергаб фойдаланишни талаб этади. Шу боис корхонамиз мутахассислари Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда энергия тежовчи янги технологияларни яратиш устида иш олиб бораётир.

Айни пайтда 250 нафардан зиёд киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада кучланишли трансформатор, кичик станциялар учун трансформаторлар тўплами, ток ўлчовчи трансформатор, юқори қувватли блок, умуман ўн турда ускуна ва жиҳоз ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона шу вақтгача Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекнефтгаз" МХК, "Ўзбекэнерго", "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниялари буюртмаси асосида маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, эндиликда Қозоғистон, Россия, Афғонистон, Тожикистон, Бирлашган Араб Амирликлари каби хорижий мамлакатларга ҳам маҳсулотлар экспорт қилинаётир.

Ўтган йили жами 1 миллиард 340 миллион сўмлик маҳсулот чиқарган корхона жамоаси жорий йил бу кўрсаткични 1,8 баробарга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Акмал НАЗАРОВ, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигини нишонлаш ҳамда давлатимиз мустақиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий, маънавий салоҳияти ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, сарҳадларимизнинг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, Ватаннинг муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) бир ой муддатда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишонлари ва улар гувоҳномаларининг бланкалари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Шамшиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2006 йил 19 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 июндаги ПФ-3763-сонли Фармонига 1-илова

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони тўғрисидаги Низом

1. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан давлатимиз мустақиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий, маънавий салоҳияти ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, унинг сарҳадлари хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, Ватаннинг муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишида фидокорлик намуналарини кўрсатаётган зиёлилар, фан ва санъат арбоблари, ишчи ва хизматчилар, тадбиркорлар, фермерлар, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва бошқа шахслар тақдирланадилар.

2. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони билан ушбу Низомнинг биринчи бандида кўрсатилган хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан вазирликлар, идоралар ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади.

4. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 июндаги ПФ-3763-сонли Фармонига 2-илова

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони ТАВСИФИ



«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади, у диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга.

Эсдалик нишонининг олд томонида Мустақиллик ва эзгулик монументи (Мустақиллик ва Бахтиёр она ёдгорликлари) тасвирланган. Монумент ортида Мустақиллик майдонидаги Арканинг бир қисми ўрин олган. Эсдалик нишонининг пастки қисмида Арканинг бир қисми билан монумент орасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг юбилей санасини англатувчи «15 YIL» деган ёзув бор.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGIGA» сўзлари ёзилган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган, пастки қисмининг марказида «2006» ёзуви жойлашган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқдир.

Эсдалик нишонининг қирралари гардиш билан ҳошияланган.

Эсдалик нишони ҳалқачалар ва илгакча ёрдамида устки қисмига эни 20 миллиметрли самовий-зангори рангдаги ипак лента ўралган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағич (колодка) билан туташтирилади.

Мустақилликнинг 15 йиллигига

АЁЛ ЮРАГИДАГИ ЎТ

— Мустақиллик йиллари ҳаётимнинг муҳим бир босқичи бўлди. «Гулчеҳра» хусусий фирмаси, кейинчалик фермер хўжалиги... Биласизми, тикувчилик ўз йўлига. Лекин, она-замин, унга бўлган чексиз меҳр мени доим ҳаракатга ундайди. Тонг саҳарлаб далага ошиқаман. Саман отнинг жилови қўлимда-ю, хаёлларим чексиз осмонларга учади. Салқин саҳар шабадасида енгилгина силкинаётган дов-дарахтлар кўнглимга ором бағишлайди. Адирларда меваси ғарқ пишган ўрикзорлар, олмазорлар, кўм-кўк токзорларга боқиб туриб ҳузурланаман. Ахир, эл-юртимиз насибаси она ер бағридан униб турса, бундан ортиқ мўъжиза борми?!.

Ҳа, таъбир жоиз бўлса, замонамиз қаҳрамони дея аташга муносиб бу аёлни вилоят аҳли, айниқса, тадбиркорлари яхши танишади. Оҳангаронлик тадбиркор аёл, моҳир тикувчи, миришкор деҳқон, тиниб-тинчимас раҳбар Гулчеҳра Пўлатова билан дилдан суҳбатлашгани Қорақирга бордик.

— Оилада ўн ўғил, уч қизнинг шўҳроғи, эркаси ўзим эдим, — дейди Гулчеҳра. — Ўғил болалар билан талашиб-тортишиб катта бўлганлигимданми, тез-тез ва кескин сўзлашга, гапнинг лўндасини айтишга ўрганиб қолганман. Баъзан, мулойим, хушмуомала, хушрўй аёллар билан суҳбатлашиб қолсам, ана шу қусурларим яққол кўзга ташланиб қолади-да, ўргилай...

Табиатан дангалчи, ишбилармон аёлнинг камтаринлиги суҳбатга самимият бағишлаб, мулоқотга жон киритиб юборди.

— Сезиб турибман, ҳозир сиз: «Тадбиркорликни қандай бошлагансиз?» — деб сўрамоқчисиз, шундайми? — дейди Гулчеҳра бироз жўшқинлашиб. — Сизга айтсам, «бўладиган бола бошидан маълум» деган иборани отам раҳматли тез-тез қайтарардилар. Боғчага бориб юрган кезларим ўзимча бирор бир ишни бошлашни, ўртоқларимга ўрнак бўлишни ёқтирардим. Боғча опамиз йўқ пайтларида ўзимча тенгдошларимга бош бўлиб, хонани йиғиштириб, саранжомлаб қўярдик. Ўртоқларимга: «Сен товоқ-қошиқни олиб бориб қўй, сен ювиб қўй, сен стол устини арт»,

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида Юқоричирчиқ туманида педагогика коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРНИ КУТАЯПТИ

— Коллежимиз 450 ўқувчига мўлжалланган, — дейди таълим муассасаси директори Қамбар Пскентбоев. — Янги ўқув йилида коллежда мусиқа, бошланғич таълим ва тарбиявий спорт ишлари, мактабгача таълим, кутубхонашунослик ва ахборот тизимлари, юриспруденция каби йўналишлар бўйича талабаларга сабоқ берилади.

— Ўзимизнинг туманда шундай муҳташам, барча шарт-шароитларга эга коллеж қурилганидан хурсандман, — дейди «Соҳибкор» фермерлар уюшмасида истиқомат қилувчи Дилором Мелибоева. — Агар бу ерда ўқиш насиб қилса, мустақил юртимизнинг муносиб фарзанди бўлишга, устозлар ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Коллеж фан кабинетлари зарур асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган. Мажлислар зали, кутубхона ва спорт зали ҳам ўқувчилар ихтиёрида.

Лутфулла СУВОНОВ, ЎзА мухбири.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«КАЛАВАНИНГ УЧИ ҚАЕРДА?»

(2006 йил 14 июнь, № 46)

Шу сарлавҳа остида Оҳангарон тумани Қорахтой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида вужудга келган муаммоли вазият хусусидаги мақола эълон қилинган эди. Мазкур мақолага мутусадди идоралардан жавоб мактублари келишда давом этмоқда.

Куни кеча «Тошкент электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти бошқарув раиси Ш. Зарипов имзоси билан навбатдаги мактуб олинди. Биринчи жавоб хатида қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли барча хонадонларнинг электр энергиясидан қарзларини ҳатловдан ўтказишга қарор қилинганлиги айтилган эди. Навбатдаги мактубда ҳатлов жараёнлари ўтказилганлиги, унинг натижалари таҳлил қилинганлиги таъкидланади. Маълум бўлишича, йиғинга қарашли 2168 та хонадоннинг 15 миллион 684 минг 132 сўм қарзи мавжуд экан. Бундан ташқари, 38 та хонадонда қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, шу хусусда далолатномалар тузилган.

«Тузилган далолатномалар бўйича қонунни бузган барча фуқаролар хонадонида қайта ҳисоб-китоб ишлари бажарилади, — деб ёзади бошқарув раиси Ш. Зарипов. — Аниқланган ҳолатлар бўйича тайёрланган ҳужжатлар хўжалик судига тегишли чоралар кўриш учун юборилади».

ВИЛОЯТ ХАЁТИ

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган «Ёш маком ижрочилари» кўрик танловининг республика босқичи якунланиб, ғолиблар аниқланди.

Вилоятимиз вакили — Бекобод шаҳар 11-умумтаълим мактаби ўқувчиси Хуршид Мирбобоев танловда муваффақиятли иштирок этиб, 1-ўринга лойиқ топилди.

У танлов ташкилотчиларининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Нозима АКРОМОВА.

МУҲИМ МАСАЛАЛАР ТЕВАРАГИДА

Кибрай тумани хотин-кизлар кўмитаси Республика «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда ўқув-семинар ташкил этди.

Унда иштирок этган маҳалла фаоллари, фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари мутахассислар маърузасини тингладилар. Уларда оилада соғлом турмуш тарзи, фарзанд тарбияси каби муҳим масалалар теварагида сўз борди.

Назокат МУҲИДДИНОВА.

Олмалиқ шаҳридаги «Металлург» истироҳат боғида шаҳар ташкил топганлигининг 55 йиллиги муносабати билан катта байрам фестивали бўлиб ўтди.

МУНОСИБ НИШОНЛАНДИ

Шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган кечага қатор корхона ва ташкилотларнинг энг фаол аъзолари ҳамда фахрийлар таклиф этилди.

Йиғилганлар байрам дастурхони атрофида санъат усталари иштирокидаги концерт дастуридан баҳраманд бўлишди.

Мўмин ИБОДОВ.

МАМЛАКАТ БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

Оҳангарон шаҳрида 11-12 ёшли болалар ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий «Футболимиз келажаги» спорт мусобақаларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур мусобақада тўрт жамоа ўзаро куч синашди. Қизғин ва шиддатли ўтган баҳслар Бўка тумани ёш футболчиларининг ғалабаси билан якунланди. Кейинги ўринлар Оҳангарон шаҳри ва Чиноз тумани спортчиларига насиб этди.

Ғолиб жамоа мусобақанинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

ЎзА.

Чирчиқ шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди номли ўқув-машғулот спорт-техника мажмуасида Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши ташаббуси билан чакириққача бўлган ёшлар ўртасида ҳарбий-амалий кўпкураш мусобакалари бўлиб ўтди.

МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Унда Ангрен, Чирчиқ, Келес ва Янгийўл автомобиль мактабларидан келган 26 нафар курсант спортнинг югуриш, ўқ отиш, узунликка сакраш, автомобилни амалий бошқариш каби турлари бўйича маҳоратларини намойиш этишди. Якуний натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида Чирчиқ автомобиль мактаби 1-ўринни эгаллади.

Отаёр ТОҒАЕВ.

Мустақилликнинг 15 йиллигига

АЁЛ ЮРАГИДАГИ ЎТ

деб топшириқ берардим. Кейин уларнинг ишига баҳо қўярдим...

Вақти келиб, мактабни тугатгач, онамнинг маслаҳати билан Чирчиқ шаҳридаги касб-ҳунар билим юртида ўқий бошладим. Оиламиз катта эмасми, оддий тракторчи отамга, уй бекаси онажонимга оғирлигим тушмаса, уларга ёрдам берсам, деган ўй мени бир зум ҳам тинч қўймасди.

Бир куни чиройли газламадан хушбичимгина кўйлак кийиб олган ўқитувчимизга ҳавас қилиб, қобилиятимни синаб кўрмоқчи бўлдим. Арзон, лекин чиройли мато танлаб, ўзимга кўйлак тикиб, кийиб олдим. Қизларимизнинг ҳаваси келиб, уларга ҳам тикиб беришимни илтимос қилишди.

«Онажон, қўл машинангизни бериб туринг», десам, «аввал яхшилаб ўқиб ол, қизим», дердилар. Ўзимча, дугоналаримга кўйлак тикиб берсам, ҳар бири жуда бўлмаганда бир сўмдан берса ҳам анча пул бўлади-ку, онамга ҳам ёрдам бўларди, деб ўйладим. Шундай қилиб, тенгдошларим ўқиш пайтида ота-онасидан пул олиб келса, мен тикувчилик қилиб топган пулларимни онамга берардим. Укаларимнинг кийим-кечак, китоб-дафтарларига ҳарна қўр-қут бўларди.

Чирчиқдаги «Ғунча» фабрикасида, Оҳангарон шаҳридаги маиший хизмат уйида тикувчилик, раҳбарлик борасида ўзимни синаб кўрдим. Лекин истиқлол берган имкониятлар туфайли ҳақиқий тадбиркорлик иштиёқи бутун борлиғимни чулғаб олди.

1994 йилда «Гулчеҳра» хусусий фирмасини ташкил этиб, аёлларнинг иш билан таъминланишига эришган тадбиркор доимо изланишда бўлди. Энди Гулчеҳра кўпдан бери орзу қилиб юргани — она ер бағридан ризқ ундириш, бунинг учун яйраб-яшнаб, тер тўкиб ишлаш пайти келганини сезди. Дастлаб, оила аъзолари — умр йўлдоши, икки ўғил ва қизи билан кенгашиб, беш гектар ерда иш бошлашди. Бир пайтлар — дадаси тракторчилик қилиб юрган кезлари дала ишларининг машаққати, техниканинг сир-синоатларидан анчагина бохабар бўлиб қолганлиги унга қўл келган бўлса, ажабмас. Шунда ҳам етарли билим, тажриба бўлмаса, бирор натижага эришиш мушкуллигини тушуниб етган тадбиркор соҳа билимдонлари, агрономлардан сўраб ўрганишдан ор қилмади.

— «Ерни боқсанг, ер сени боқади» деган гап бежиз айтилмаган. Ер фақат даромад манбаи эмас, у ҳам тирик жон, у ҳам нафас олиши, озиқланиши, қисқаси, мунтазам парваришда бўлиши керак, — дейди у. — Баъзилар фермерликни осон деб ўйлашади. Ишни бошлашади-ю, машаққатига чидолмай ташлаб қўйишади. Лекин ҳаёт курашлардан иборат. Қатъият, сабот, чидам, қийинчиликлардан қўрқмаслик, шу билан бирга касбий ва ҳуқуқий билим мақсадга етказувчи омиллардан, деб ўйлайман.

Юқорида санаб ўтилган фазилат ва хусусиятлар ҳақиқатан ҳам қаҳрамонимизни бугунги кунда туман «Тадбикор аёл» уюшмаси, Ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси, халқ депутатлари Оҳангарон тумани кенгаши депутати сифатида элга танитди. Ҳозирги кунда нафақат оила аъзолари, балки маҳалладошларини ҳам иш билан таъминлаган Гулчеҳра ўн гектар ерда ғалла, картошка, помидор каби кўплаб сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил етиштирмоқда.

— Мана, яқинда ғалла ўрим-йиғимини тугатдик, — дейди у. — Энди тезроқ ерни шудгорлаб картошка экмоқчимиз.

— Аёл кишига шунча вазифа, масъулият оғирлик қилмайдими? Ҳаммасига қандай улгурасиз? — деймиз ҳаяжонимизни яширолмай.

— Очиғини айтай, нокамтарликка йўйманг-у, одамнинг юрагида ўт бўлсин, олов бўлсин, дейман. Баъзан бир ишнинг эпидан чиқолмай, «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» дейдиган раҳбарларни кўрсам, ғашим келади. Ахир, осмондан чалпак ёғилмайди. «Сендан ҳаракат, мендан барака» деганлар. Менинг иш куним режали: саҳарлаб далага отланаман. Саман от менинг йўлдошим, сирдошим. У билан далани айланиб чиқаман. Тонготардаги салқин, тоза ҳаво менга куч-қувват, ҳузур бағишлайди. Кунлик ишларни режалаб, қўрғонга қайтаман, сигир соғиб, оила аъзоларимиз билан нонушта қиламиз. Сўнг етти чақирим йўл юриб идорага пиёда келаман. Йўлма-йўл бажарилган ишлар, келгусидаги режалар ҳақида ўзимга-ўзим ҳисобот бериб, манзилга қандай етиб келганимни сезмай қоламан. Ҳамиша менга ишониб, ёрдам сўраб келган инсонлар билан суҳбатда бўлишга, уларнинг оғирини енгил қилишга ошиқаман. «Ишқилиб, куч-қувватдан қўймасин-да, ҳали режаларим кўп», дейман ўзимга-ўзим. Айниқса, фермер аёллар билан суҳбатлашсам, яйраб кетаман. Муаммолари ҳал бўлган аёллар чеҳрасидаги қувонч, нигоҳларидаги миннатдорлик аломатларини илғаш, кўриш нақадар завқли!

Ана шунақа, — дейди депутат Гулчеҳра Пўлатова, — Яқинда қишлоқ фуқароларидан Тожибой Алимов боғ яратмоқчи эканлигини айтиб ёрдам сўради. Келажакда Тожибой ота номи билан ажойиб маскан барпо бўлса ёмонми? Ахир, кўчат экиб, боғ яратмоқ инсон учун энг зарур аъмол эмасми? Ёки фарзандларини ўқитиш учун кўмак сўраган ота-онага қандай қилиб ёрдам бермай, қўл қовуштириб ўтирасиз? Ахир, фарзандларимиз — келажагимиз-ку!

Бир куни хўжаликда қоровул бўлиб ишлайдиган Маҳмудахон болаларининг ўқишга қатнашида транспорт муаммолари туғилаётганини айтиб қолди. Шу сабаб бўлдию, «Дўстлик» маҳалласида маршрут қатновини йўлга қўйдик. Албатта, бу ишларни мақтаниш учун айтаётганим йўқ. Фақат, одамларнинг оғирини енгил қилиш кишига ҳаловат бағишлашини таъкидламоқчиман, холос.

Россия, Германия, Исроил тадбиркорлари билан йўлга қўйган ҳамкорлигимиз келажакда ўз самарасини беради, — дейди ишонч билан Гулчеҳра Пўлатова. — Шу кунларда яна бир ишни режалаштириб қўйдим. Агар ниятим амалга ошса... Аслида ҳозирча сир сақламоқчи эдим-у... Ҳа, майли. Туманимиздан Тошкент-Ўш йўли ўтган. Ана шу йўл ёқасида ўн гектар майдон бор. Агар шу ерни олиш насиб этса, туманимиз аҳолиси, аёллари учун фермер аёллар мактабини ташкил этмоқчиман. Мактабнинг ўз техникалари, синов-тажриба майдонлари, дам олиш, овқатланиш шохобчалари бўлади. Ўқишни амалиёт билан бирга олиб борамиз. Эх-ҳе, ҳали режалар бисёр.

Ҳа, қаҳрамонимиз айтганича бор. Энди республика фермерлар уюшмаси билан ҳамкорликда ана шу режалар ҳам амалга ошса, ҳақиқатан фермер аёлларга жуда катта қулайликлар яратилган бўлар эди.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили



Чиноз туманидаги кўп тармоқли тиббиёт маскани йил бошларида капитал таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этди. Бу ерда шифокорлар ва беморлар учун қулай шароит яратилди.

Муассасада 25 нафар малакали шифокор ҳамда 58 нафар ҳамшира кунига 75 нафаргача беморга сифатли тиббий хизмат кўрсатишади. Бундан ташқари кундузги бўлим учун ўн ўринли жой ажратилган бўлиб, талаб даражасида жиҳозланган.

Таъмирлаш ишларида ҳомийлар ҳиссаси ҳам катта бўлди. Маҳаллий тадбиркорлардан Абдулла Абрагимов, Мирқосим Собировлар хайрли ишга муносиб улуш қўшишди.

СУРАТДА: *тиббиёт маскани ходимлари иш устида.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон-Япония инсон захираларини ривожлантириш марказида юртмиздаги тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳамда шу соҳага қизиқувчилар учун профессионал менежмент дастури бўйича ўқув курслари ташкил этилган эди.

Мазкур курсларнинг навбатдаги 52 нафар битирувчиларига сертификатлар топширилди. Маросимда сўзга чиққанлар ўқув курсларининг аҳамияти ва келгусидаги истиқболлари ҳақида гапириб, битирувчиларни табриклашди. 3 нафар энг қобилиятли тингловчига Японияда тажриба алмашиб келиш учун йўланма берилди.

«Туркистон-пресс».

МИКРОКРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБЛАРИ

Пойтахтдаги Ўзбекистон Банклар ассоциациясида Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, «Микрокредитбанк», Банк молия академияси мутахассислари иштирокида микрокредит бериш ва микролизинг хизматлар кўрсатиш тартибларига бағишланган семинар ўтказилди.

Ҳозирда мазкур молия муассасаси жойларда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерчиликнинг якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни янада фаоллаштириш орқали янги иш ўринлари яратишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Тошкентда ўтказилган тадбирда иштирокчиларга микрокредит бериш ва микролизинг хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

«Туркистон-пресс».

BEAUTYEXPO UZBEKISTAN – 2006

Тошкентдаги «Dedeman» меҳмонхонасида «BeautyExpo Uzbekistan – 2006» иккинчи халқаро ихтисослашган кўргазмаси очилди. Ўзбекистон «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Эстетика академияси ва «TNT Production, Inc» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада дунёнинг 13 мамлакатидан жами 35 та компания ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Кўргазмада иштирок этаётган компания ва фирмаларнинг маҳсулотлари пардоз ашёлари, косметикага оид асбобускуна ва жиҳозлар, зарғарлик буюмлари ва аксессуарлар, ароматерапия ва гигиена воситалари, биологик фаол қўшимчалар, хом ашё, қадоқлаш материаллари, гўзаллик марказлари ва улар учун жиҳозлар каби бўлимларда намойиш этилмоқда.

Тадбирни ташкил этишдан мақсад косметология саноатида сўнгги йилларда қўлга киритилган ютуқларни кўрсатиш ва тажриба алмашиш, мамлакатимиз истеъмол бозорини янги товарлар билан бойитиш ва бу соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан иборат.

Кўргазмада жаҳоннинг 13 мамлакатидан жами 35 та компания иштирок этмоқда. Бундан ташқари, Франция, Таиланд, Буюк Британия, Ҳиндистон, Италия, Қозоғистон, Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Польша, Россия, АҚШ, Ўзбекистон, Украина, Япония, Хитой, Испания, Тайвань, Беларусь каби давлатлардаги косметология компанияларининг атторлик маҳсулотлари ва хизматлари тақдим этилмоқда.

Кўргазма доирасида косметология ва эстетика тиббиёти бўйича семинар ва маҳорат дарслари ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Сурайё НАЗАРХЎЖАЕВА,
«Туркистон-пресс».

Пахтачиликда муҳим палла

Пахтачиликнинг кўп йиллик тажрибаси июль ва август ойлари ҳосил тўплашда ҳал қилувчи давр эканлигини кўрсатмоқда. Шу боис ҳам айни вақтда вилоятимиз пахтазорларида ғўзани талаб даражасида парваришлаш, хусусан, зарур агротехник тадбирларни оби-тобида ўтказиш, экин зараркунандаларига қарши курашиш каби муҳим тадбирлар тобора қизғин тус олмоқда.

ҒЎЗА РИВОЖИ БАРАВЖ



Қуйичирчиқ туманидаги «Муродбек қизи Марал» фермер хўжалиги деҳқонлари ҳам муҳим кунлар масъулиятини ҳис этиб, мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирламоқдалар. Улар бу мавсум 8 гектар майдонда «Наманган-77» пахта навини етиштирмоқдалар. Хўжалик ҳар йили давлатга 20-22 тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб беради. Бу йилги контрактация шартномасига мувофиқ, фермер давлат эҳтиёжлари учун қарийб 20,5 тонна пахта топширишни режалаштирган. Ҳосилдорлик эса 26 центнер атрофида бўлиши белгиланган.

— Биз ҳосилдорликни камида 30 центнерга етказишга қарор қилганмиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Муродбек Юнусов. — Бунинг учун айни шу кезлар ҳар куни ҳосилга ҳосил кўшишга ҳаракат қилаяпмиз. Энг аввало, ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бериш, эҳтиёжга қараб экинни тунда суғориш, шарбатга қондириш, зараркунандаларга қарши кескин курашиш, бунда биологик усулдан самарали фойдаланишга бор имкониятларимизни ишга солаяпмиз.

Муҳим паллаларда, режали тартибда олиб борилаётган агротехник тадбирлар самараси экин ривожида бўй кўрсатмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар туп ғўзада 20 тагача бўлиқ кўсаклар бор. Бу фермер даласида кўзланган ҳосил тўпланаётганлигидан нишонадир.

Байрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: *фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги етакчи мутахассиси Сирожиддин Талъатхўжаев (чапда) ва фермер Муродбек Юнусов ғўзалар тўплаётган ҳосилни чамаламоқдалар.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Тошкент вилояти Адлия бошқармаси Ангрен шаҳар 2-сонли ўрни бўш бўлган давлат нотариал идораси нотариуси лавозими учун танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Даъвогарлар танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда Тошкент вилояти Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар адлия бошқармасига шахсан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

а) Малака комиссияси номига ариза;

б) паспорт нусхаси;

в) белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;

г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

е) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин 3 йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорнинг қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;

ж) охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй.

Телефонлар: 363-51-03, 363-51-04.

Обиҳаёт тарқатувчилар

Бўка туманидаги экин майдонларининг ўзига хос мураккаблиги шундаки, туманнинг жанубий қисмига қарашли ерлар лалмикор бўлса, яна бир қисмига сизот сувлари яқин.

МУНОСИБ УЛУШЛАРИ БОР

Шу сабабли захкаш зовурлар ёрдамида ер намини қочирмасдан ҳосилдорликка эришиб бўлмайди. Бу борада замонавий, илмий билимлар билан бирга ота-боболардан қолган амалий тажрибалар ҳам қўлланилмоқда. Шунинг учун туманнинг турли ҳудудларидаги сув чиқарувчи насос станциялари имкониятларидан унумли фойдаланилмоқда. Ўз навбатида, улар деҳқончилик самарадорлигини оширишда қўл келаяпти.

— Туман ҳудудида 11 та электр насос станциялари мавжуд бўлиб, улар ёрдамида тумандаги суғориладиган ер майдонларининг қарийб учдан бир қисми, яъни 4251 гектари сув билан таъминланади.

— 1964 йилда туманда биринчи бўлиб «Алхажар» станцияси ишга туширилган, — дейди туман насос станциялари бошлиғи Исоқул Раҳмонов. — Кейинчалик бошқа станциялар ҳам деҳқонларга мададкор бўлди. Бугунги кунда «Алхажар» станцияси 451 гектар майдонни сув билан таъминлаётган бўлса, «Бўка» станцияси 1790 гектарга обиҳаёт етказиб бермоқда.

Темур ҲАЙДАРОВ.

Фармон ва ижро

ҲАЁТ – ОЛИЙ НЕЪМАТ

Ўлим жазоси кўп асрлардан буён деярли барча давлатларда қўлланиб келинган. Узоқ ўтмиш давомида жазонинг бу турига нисбатан бўлган муносабат ва қарашлар шаклланиб борган. Жамият тараққий этиб, инсоний қадриятларнинг шаклланиши натижасида ўлим жазосининг аҳамияти ҳам ўзгарди.

Бугунги кунга келиб, дунё мамлакатлари орасида ўлим жазоси тарафдорлари сафи тобора камайиб бормоқда. Жумладан, ўтган ўн йилликда ҳар йили ўртача 3 давлат уни бекор қилган. Натижада, 1990 йилдан бошлаб ўлим жазосини ўзининг жазо тизимидан бутунлай чиқариб ташлаган давлатлар сони 35 тага етди. Лекин шунга қарамасдан, бу жазо турини бутунлай бекор қилиш ёки қолдириш масаласи юзасидан халқаро майдонда ҳамон қизғин баҳслар олиб борилмоқда.

Бу борада Инсон ҳаётини олий қадрият дея эътироф этган мустақил Ўзбекистон Республикаси ўзининг қатъий йўналишини белгилаб олди. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида қилган маърузасида таъкидлаб ўтганидек: «Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир». Ўзбекистон олимлари ўлим жазосини умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашмоқда. Бундай қарорга келишда кўплаб давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш ва узоқ изланишлар натижаларига асосланилган.

Мисол тариқасида дунёда ўзини энг демократик давлат ҳисоблайдиган АҚШни олайлик. Бу давлатда инсон ҳуқуқлари ҳимояси қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлмасин, ўлим жазосини нотўғри тайинлаш ҳолларига батамом чек қўйишнинг имкони бўлмаяпти. Жумладан, АҚШнинг ўзида 1973 йилдан бери ҳукм қилинган жами маҳкумлардан 113 тасига нисбатан ўлим жазоси нотўғри тайинланганлиги сабабли бекор қилинган. Уларнинг кўпчилиги электр стулидан қайтариб олиб келинган. Японияда ҳам шу каби ҳолатлар учраб туради.

Бундай ҳолатларга Европа Кенгаши ўзининг салбий муносабатини билдириб, АҚШ ва Япония давлатларига 2003 йилнинг 1 январига қадар ўзларининг суд амалиётларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида огоҳлантириш берган.

Ўлим жазоси шунингдек, маҳкумнинг яқинлари ва қариндошларини чексиз ғам-андуҳларга дучор этиб, кўп ҳолларда уларни бутун умрлик руҳий азобларга қўяди. Бундан эса, ушбу жазо биргина маҳкумни эмас, балки, умуман айбсиз бўлган инсонларни ҳам руҳий қийноқларга солиб қўйиши ҳақидаги хулоса келиб чиқади.

Умрбод озодликдан маҳрум этилган шахслар таъминоти учун қилинадиган харажатлар уларнинг меҳнатлари билан қопланади. Фақат бунинг учун, даставвал маҳкумларни умрбод сақлаш жойлари ва улар меҳнатларидан фойдаланиш мумкин бўлган ишларни ташкил этиш лозим бўлади. Шуларни ҳисобга олиб, мамлакатимиз ўзининг жиноят қонунчилигидан ўлим жазосини аста-секинлик билан, босқичма-босқич сиқиб чиқармоқда.

Ўзбекистонда мустақиллика қадар амалда бўлган Жиноят Кодексида 33 турдаги жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган эди. 1994 йилга келиб, халқаро ҳуқуқ тамойиллари асосида Жиноят Кодексининг қабул қилиниши билан ўлим жазоси тайинланадиган жиноят турлари 33 тадан 13 тага камайтирилган. Сўнг, 1998 йилда бундай жиноятлар сони 8 тага, 2001 йилда эса, 4 тага камайтирилган.

Бугунги кунга келиб жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан ўлим жазоси фақатгина оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдирганлик (97-модданинг 2-қисми) ҳамда терроризм (155-модданинг 3-қисми) жиноятлари учунгина сақланиб қолган.

Қисқа давр ичида миллий жиноий қонунчилигимизда рўй берган бундай катта ўзгаришлар Ўзбекистоннинг ўз олдига қўйган мақсади йўлида шахдам қадамлар билан одимлаётганлигидан, амалиётдаги ўзгаришлар эса, бизнинг тўғри йўлни танлаганлигимиздан далолат бермоқда.

Нодира ҲАКИМОВА,
вилоят Адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 17

ЎЗБЕКИСТОН 1-ТВ

Хурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан душанба, 17 июль куни «O`zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55дан бошлайди.

14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00-15.45 «Таҳлилнома».
15.45 «Ватанпарвар».
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.35 «КулдиРИНГ».
18.15 «Умр дафтари». 1-қисм.
18.35 «Оҳанглар оғушида».
18.40 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Т/с.
19.15 Биржа ва банк хабарлари.
19.20 «Ватан фидойилари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Чин муҳаббат». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.20 «Шаҳарлик фариштa».

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

17.00 Анонслар.
17.05 Шум болалар.
17.15 UzEX хабарлари
17.25 Қизил худуд.
17.40 UzEX хабарлари
17.50 Мусиқий лаҳзалар.
17.55 Анонслар.
18.00 «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Т/с
18.40 UzEX хабарлари.
18.50 Ватан ҳақида ўйлар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 Ишга марҳамат!
19.45 Ракурс.
20.00 Спорт-лото.
20.10 CINEMANIYA.
20.30 Ёшлар куйлаганда.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Ғурур». Т/с. 21-қисм.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.55 Эълонлар.
23.00 «Ёлғон асираси». Т/с.

ТОШКЕНТ iTv

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «23,5 даражали бурчак остида».
19.15 «Саломат бўлинг».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 21.55 «Тв анонс».
20.25 «Яхши ёмон йигитлар». Т/с.
20.50, 21.25 «Телекурьер маркет».
21.00 «Оқшом наволари».
21.20 «Тв юрист».
21.35 «Журналист таҳлили».
22.00 «Таътилга чиқолмадик». Б/ф.

СПОРТ (SPORT TV)

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия».
8.30 Мультфильм.
8.40 «Болалар спорти».
9.00 «Талқин».
9.30 «Мониторинг».
10.00 Ўзбекистон чемпионати. Кўл жанги.
10.30-11.15 «Волшебник изумрудного города». Мультфильм.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультсериал.
18.30 «Хабарлар».
18.50 «Голая наука». Д/ф.
19.45 «Спортимиз маликалари».
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.35 Жаҳон спорти юлдузлари
21.30 «Хабарлар»
21.50 «Заколдованный участок». Т/с
22.40 Велоспорт. Тур де Франс.
23.10 «Проф-РИНГ».

СЕШАНБА 18

ЎЗБЕКИСТОН 1-ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 1. «Ўйла, Изла, Топ!» 2. «Сеҳрли тун». Болалар учун фильм.
10.35 «Остонаси тиллодан».
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот»
12.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Янгиқўрғон».
12.30 «Машҳуранинг қизлари».
12.45 «Чин муҳаббат». Т/с.
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
15.20 «Интеллектуал ринг».
16.10 «Шахсий фикр».
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Ватан фидойилари».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Ақл ва идрок».
17.45 «Жараён».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Умр дафтари». 2-қисм.
18.35 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Т/с.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «ЎзДЭУавто – 10 ёшда».
22.10 «Чин муҳаббат». Т/с.
23.20 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.30 «Шаҳарлик фариштa».

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика 16.55 гача.

17.00 Анонслар.
17.05 Эврика.
17.15 «Кичкинтой» театри: «Сув ҳам тугайдими?»
17.40 Болалар табассуми.
17.50 Ватан ҳақида ўйлар.
17.55 Анонслар.
18.00 «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Т/с.
18.40 Ёшлик наволари.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Ишга марҳамат!
19.40 Автопатруль.
20.00 «JOKER» телелотореяси.
20.10 Анонслар.
20.15 Давр мавзуси.
20.30 Ёшлар куйлаганда.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Ғурур». Т/с. 22-қисм.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 SMS-танлов.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.55 Эълонлар.
23.00 «Ёлғон асираси». Т/с.

ТОШКЕНТ iTv

18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «23,5 даражали бурчак остида».
19.15 «Истеъмолчи минбари».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 21.50 «Тв анонс».
20.25 «Яхши-ёмон йигитлар». Т/с.
20.50, 21.25 «Телекурьер маркет».
21.00 «Оқшом наволари».
21.20 «Тв юрист».
21.35 «Инсон ва қонун».
21.55 «Улкан балиқ ови». Б/ф.

СПОРТ (SPORT TV)

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар»
8.20 Мультсериал.
8.45 «Болалар спорти».
9.00 «Хабарлар»
9.20 «Спорт клуб».
9.30 «Детективы».
10.00 Кураш. Республика турнири.
10.30 «Волшебник изумрудного города». Мультфильм.
11.15-12.10 «Талисман». Т/с
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультсериал.
18.30 «Хабарлар»
18.50 «Спорт – менинг ҳаётим».
19.10 «В поисках приключений».
20.00 «Вести».
20.20 «Афины». Д/ф.
20.30 Теннис. АТР.
21.30 «Хабарлар»
21.50 «Заколдованный участок». Т/с
22.40 Енгил атлетика. Супер гран-при.
23.30 Велоспорт. Тур де Франс.

ЧОРШАНБА 19

ЎЗБЕКИСТОН 1-ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Замин мавжудотлари».
9.10 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 2. «Шумтакалар». Мультсериал.
10.05 «Диёр оҳанглари». Бухоро вилояти.
10.45 «Банк ва мижоз».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Ишқ эртаги». Т/с.
11.55 Олтин мерос.
12.00 «Ягона оилада».
12.20 «Агар Сиз».
12.45 «Чин муҳаббат». Т/с.
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
15.20 «50х50».
16.10 «Саломатлик» дастури.
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
18.00 «Бизнинг кутубхона».
18.10 «Умр дафтари». 3-қисм.
18.35 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Т/с.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.15 Биржа ва банк хабарлари.
19.20 «Ватан фидойилари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бунёдкорлик».
22.00 «Чин муҳаббат». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
23.20 «Шаҳарлик фариштa».

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Шум болалар.
8.20 «Фан» туркуми: «Пилдироқ технологияси».
8.30 1500 сония...
9.00 «Қалбим чечаги». Т/с
9.55 Ватан ҳақида ўйлар.
10.00 Давр.
10.15 Мароқли ёз.
10.45 «Ғурур». Т/с. 21-22-қисмлар.
12.25 Телепортрет.
12.45 Қизил худуд.
13.00 Давр.
13.15 ЯНГИ КУН.
